

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАЮМОВА МЕХРИНСО МИРАХМАТОВНА

ҲАЛДУН ТАНЕР ДРАМАЛАРИНИНГ ПОЭТИКАСИ
(50-60 ЙИЛЛАР МИСОЛИДА)

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

УЎК: 821.512.161'82-2
КБК: 83.3(5Туц)
К-33

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Каюмова Мехринисо Мирахматовна

Ҳалдун Танер драмаларининг поэтикаси (50-60 йиллар мисолида)..... 3

Kayumova Mekhriniso Mirakhmatovna

The Poetics of Haldun Taner Dramas (In the examples of 1950-60s)..... 27

Каюмова Мехринисо Мирахматовна

Поэтика драм Халдуна Танера (на примере 50-60-х годов) 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 53

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАЮМОВА МЕХРИНСО МИРАХМАТОВНА

ҲАЛДУН ТАНЕР ДРАМАЛАРИНИНГ ПОЭТИКАСИ
(50-60 ЙИЛЛАР МИСОЛИДА)

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Fil2089 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кенжаева Пошшажон Умидовна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Тўхлиев Боқижон
филология фанлари доктори, профессор

Тилавов Абдумурод Холмуратович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil/Tag.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: info@tsuos.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А.Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

Б.Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон адабиётшунослигида замонавий драматургиянинг вужудга келиши, унинг поэтик тараққиётини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, замонавий турк драматургиясининг юзага келиш жараёни, шаклланиш омиллари ва тадрижий босқичлари ҳамда жанр тараққиётига муҳим ҳисса қўшган драматурглар ижодини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш бугунги Шарқ адабиётшунослиги олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур тадқиқот турк адабиётида замонавий драматургиянинг шаклланиши ва унинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган забардаст драматург Ҳалдун Танер драмаларининг поэтикаси масалаларини тадқиқ этишга бағишланган. Бинобарин, Ҳалдун Танер драмаларининг поэтикасини илмий аспектда тадқиқ этиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Дунё адабиётшунослигида, хусусан, ўзбек шарқшунослигида ҳам драма жанри, унинг шаклланиш ва тараққиёт йўллари, драматик асарлар поэтикасини тадқиқ этиш муҳим долзарблик касб этади. «Бироқ адабиётшуносликда драмани ўрганишга эътиборнинг бироз сустиги, ўқувчи омманинг драматик асарлар мутолаасига камроқ қизиқиши, таълим тизимида уларни ўқитишга жуда кам вақт ажратилганидан бўлса керак, бу масалада оқсаш борлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ҳолбуки, драма адабиётнинг тенг ҳуқуқли вакили, демак, уни чуқур ўрганиш адабиётшунослик зиммасидаги вазифадир. Шунақа экан, бўлғуси филолог-мутахассислар буни ҳамиша ёдда тутишлари, ўзбек ва жаҳон драматургиясининг энг сара намуналарини қунт билан ўқиб, уларга бадий баркамоллик бахш этган омиллар, жумладан композицион қурилишини чуқур ўрганишлари лозим бўлади»¹. Дунё адабиётшунослигида тадқиқотимиз объекти ҳисобланган Ҳалдун Танер асарлари, хусусан драмаларига оид тадқиқотлар муайян даражада кузатилган бўлса-да, драматург драмаларининг поэтикаси алоҳида монографик планда ўрганилмаган. Шунга кўра, ўзбек шарқшунослигида йирик турк драматурги Ҳалдун Танернинг ижодий фаолияти, замонавий турк драматургиясига қўшган ҳиссаси, драмаларининг поэтик хусусиятларини монографик планда тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсдаги ислохотларнинг янги даврида қардош турк халқи билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, Туркия билан иқтисодий, маданий ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди, мамлакатларимиз ўртасида илм-фан, адабиёт соҳасидаги муносабатларимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, мухтарам Президентимизнинг Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимида сўзлаган нутқида: «Бизнинг юртимизда ҳам турк адабиёти ва санъатига қизиқиш тобора ортиб, улар илмий ва таълим масканларида кенг ўргатилмоқда. Мавлоно Жалолоддин Румий, Юнус Эмро, Аҳмад Пошо, Сайди Али Раис Котибий, Тошлижали Яхё, Ҳамди Чалабий сингари буюк шоирлар ижодини халқимиз севиб ўқийди. Шу билан бирга замонавий турк адабиёти,

¹ Qurunov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. Akademnashr, - T., 2018. - B.218.

халқ дostonлари, антологиялар ўзбек тилида нашр этилиб, китобхонларимизнинг маънавий мулкига айланганини таъкидлаш лозим»², – деб турк адабиётининг ўзбек адабиётшунослари томонидан кенг ўрганилаётганига алоҳида урғу беради. Ушбу фикрларни инобатга олган ҳолда ўзбек китобхонини турк адабиётининг сара намуналари билан таништириш, бойитиш, бу борада буюк ижодкорларнинг машҳур асарларини таржима қилиш ва тадқиқ этиш олдимизга қўйилган муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб ўтишимиз керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий турк драматургиясини тадқиқ этиш, шу билан бирга Ҳалдун Танернинг насрий ва драматик асарларига қизиқиш XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб бир қатор олимларнинг тадқиқот объектига айланди. Жумладан, бу масала турк адабиётшунослигида М.Анд, Г.Акарсу, Ф.Акатли, Ч.Акюз, Ҳ.Анамур, Ф.Андач, Ф.Арслон, Б.Батман, Ў.Байроқ, У.Гиритли, С.Шенер, Т.Ўзакман, Ў.Нутқу, М.Миясўғли, М.Кўрукчу, З.Ипширўғли, К.Яшил, С.Ифделер, Я.Хилми, Э.Чамурдан, С.Д.Ялчин, И.Н.Уйсал, А.Юксел, Ҳ.Адияман, Н.Текекрек, Н.Фиридинўғли³, Ғарб адабиётшунослигида Б.Робсон, Н.А.Деллал, А.Немкесс⁴ томонидан ўрганилди.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимидаги нутқи, «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 21 февраль, № 38.

³ And M. 50 Yılın Türk Tiyatrosu. –Ankara: Türkiye İş Bankası Yayınları, 1973; And M. Cumhuriyet Dönemi Türk Tiyatrosu (1923-1983). –Ankara: Türkiye İş Bankası Kültür Yayınları, 1983b; And M. Türk Tiyatrosunun Evreleri. – Ankara:Turhan Kitabevi, 1983a; Akarsu G.Kabare Tiyatrosu’nu Haldun Taner Anlatıyor. // Varlık, 1967, №11, S.706; Akatlı F. Haldun Taner’e mektup. Haldun Taner Kitabı.– İstanbul: Yapı Kredi Yay.,1993; Akyüz Ç. Haldun Taner’in «Keşanlı Ali Destanı» ve Axel Olric’in Epik Yasaları.// Adıyaman Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi, 2012. Yıl:5, Sayı:8, Ocak, S.1-11; Anamur H. Haldun Taner’in Tiyatrosunda ‘Oyun İçinde Oyun’ Uygulamaları ve Kişilik Sorgulamaları Üzerine. Haldun Taner Kitabı. – İstanbul: Yapı Kredi Yay.,1993; Andaç F. Öykücünün Kitabı. –İstanbul: Varlık, 1999; Arslan F. Öykünün Sesini Kısmak. – Erzurum: Salkımsöğüt Yayınları, 2009; Batman B. Haldun Taner’in Hikâyeleri. –Yeditepe, 1955, №7, S.79; Bayrak Ö. Haldun Taner’in Hikâyelerinde Ruhsal Değişim Süreci //Turkish Studies International Periodical for the Languages, Literature and History of Turkish orTurkic, Volume 4/8, P. 684-697; Giritli O. Doğan Hızlan’la Haldun Taner Üzerine.//Argos, 1988, №1; S.148; Şener S. Cumhuriyet’in 75. Yılında Türk Tiyatrosu. –Ankara:Türkiye İş Bankası Kültür Yayınları, 1998; Şener S. İnsanı Geçitlerde Sınayan Sanat: Dram Sanatı. –İstanbul:Mitos BOYUT Yay., 2003; Şener S. Yaşamın Kırılma Noktasında Dram Sanatı, 3. Baskı. –Ankara:Dost Kitabevi, 2007; Şener S. Çağdaş Türk Tiyatrosunda

Шунингдек, Ҳалдун Танер ижодини ўрганишда Е.А.Оганова, Л.Н.Старостов каби рус, И.В.Прушковская⁵ сингари украин адабиётшуносларининг кўшган ҳиссалари ҳам қатга аҳамият касб этади. Хусусан, Е.А.Оганова «Традиции народной драмы в современной турецкой драматургии»⁶ (2006) номли номзодлик диссертациясида анъанавий турк театри хусусиятларининг Танер драмаларида қандай шаклда акс этганлиги масаласида тўхталган. «Традиции эпического театра Бертольда Брехта в современной турецкой драматургии (на примере пьесы Халдуна Танера «Поэма об Али из Кешана»⁷ (2002), «Новое прочтение классики в драматургии Халдуна Танера» (2007)⁸ номли илмий рисолаларида замонавий турк драматургиясида эпик театр хусусиятларини Танер драмалари мисолида ёритиб берган. Л.Н.Старостов «Новый жанр в турецком театре (о театре-кабаре Х.Танера и его пьесе «Шабан, спасающий ватан»)»⁹ ҳамда «Современная турецкая пьеса»¹⁰ (1977) номли илмий асарларида Танернинг кабаре театри хусусиятларига қисман тўхталади.

Жаҳон адабиётшунослигида Ҳалдун Танер насри ва драматургияси билан боғлиқ бир қатор тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, ўзбек шарқшунослигида мазкур мавзуга бағишланган илмий тадқиқотлар шу кунгача мавжуд эмас. Чунончи, Ҳалдун Танер ижодининг айрим қирралари турк, инглиз, немис, рус, украин, озарбайжон¹¹ адабиётшунослари томонидан тадқиқ этилган

Ahlak, Ekonomi, Kültür Sorunları (1923-1970). – Ankara:Ankara Üniversitesi Dil ve Tarih-Coğrafya Fakültesi Yayınları, 1971;Şener S. Çağdaş Türk Tiyatrosunda İnsan. – Ankara: Ankara Üniversitesi Yayınları, 1972; Özakman T. Oyun ve Senaryo Yazma Tekniği. – Ankara:Bilgi Yay.,2001; Nutku Ö. Keşanlı Ali Destanı.//Türk Dili, 1964, №8, S.155; Nutku Ö. Yaşayan Tiyatro. –İstanbul: Çağdaş Yayınları, 1976; Miyasoğlu M. Haldun Taner.–Ankara:Kültür ve Turizm Bakanlığı Yayınları, 1988; Körükçü M. Haldun Taner’in Hikâyeleri.// Varlık, 1972, Nisan, №11, S.775; İpşiroğlu Z. Haldun Taner ve Eleştirel Düşünce.// Milliyet Sanat, 1986, №54, Ağustos; S.149; İpşiroğlu Z. Haldun Taner’in Sanat Anlayışı.// Gösteri, 1988, №9, S.11; Yeşil K. Haldun Taner: Modern İle Gelenek Arasında Bir Hikâyeci.//Türk Edebiyatı Aylık Fikir ve Sanat Dergisi, 2011, №4,S.14-17; İğdeler S. Haldun Taner’in Öykülerinde Tipler. Lisans Tezi.–Ankara: AÜ DTCF, 1983; Yavuz H. Canlar Ölesi Değil. Milliyet Sanat, 1986, 145, 1 Haziran, S.30-31; Çamurdan E. Haldun Taner Oyunlarında Ol(ma)mak Sorunsalı./ Uluslar Arası Haldun Taner’de Yerellik ve Evrensellik Sempozyumu, – Ankara: Bilgi Yayınevi, 2010; Çamurdan E. Haldun Taner Seyir Defteri. – Ankara: Bilgi Yayınevi, 2006; Yalçın S.D. Haldun Taner’in Hikâyeleri ve Hikâyeciliği.– Ankara:Bilgi Yayınevi, 1995; Uysal İ.N. Haldun Taner’in Hikâyelerinden Türkçe Sözlük’e Katkılar.//Adıyaman Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi, Yıl: 5, 2012, Sayı: 8, Ocak, S.113-120; Yüksel A. Haldun Taner Tiyatrosu. – Ankara: Bilgi Yayınevi, 1996; Adıyaman H. Haldun Taner Hayatı, Sanatı Ve Eserleri. Doktora Tezi.–Ankara:Ankara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, 2012; Tekerek N. Popüler Halk Tiyatrosu Geleneğimizden Çağdaş Oyunlarımıza Yansımalar.– Ankara: Kültür Bakanlığı Yayınları, 1993; Firdinoğlu N. Keşanlı Ali Destanı./ Uluslar Arası HaldunTaner’de Yerellik ve Evrensellik Sempozyumu. – Ankara:Bilgi Yayınevi, 2010.

⁴ Robson B. The Drum Beats Nightly: The Development of the Turkish Drama as a Vehicle for Social and Political Comment in the Post-revolutionary Period 1924 to the Present. // Centre for East Asian Cultural Studies, 1976, №. 17; Dellal N.A.Die Darstellung von Deutschen in den Veröffentlichungen des Türkischen Schriftstellers Haldun Taner.//Turkish Studies, Ankara, Volume 8/8, Summer 2013, P.39-52; Nemkess A. A Comparison between Brecht and Taner. – Chicago: University of Chicago, 1992.

⁵ Прушковская И.В. История развития турецкой авторской драмы (республиканский период до 1980 г.) Киевский Национальный Университет им. Тараса Шевченко, 2014.

⁶ Оганова Е.А. Традиции народной драмы в современной турецкой драматургии. М., ИСАА МГУ, 2006.- 272 с.

⁷ Оганова Е.А. Традиции эпического театра Бертольда Брехта в современной турецкой драматургии (на примере пьесы Халдуна Танера «Поэма об Али из Кешана») (тезисы)// Сборник материалов Ломоносовских чтений, апрель, 2002 г, с. 235 – 241.

⁸ Оганова Е.А.Новое прочтение классики в драматургии Халдуна Танера. Вопросы тюркской филологии, № 7, с. 250-268, 2007

⁹ Старостов Л.Н. Новый жанр в турецком театре (о театре-кабаре Х.Танера и его пьесе «Шабан, спасающий ватан») // «Театр», №10, 1968.

¹⁰ Современная турецкая пьеса. Составитель Л.Старостов, М., 1977.

¹¹ Айкаç Ö. Güngör Dilmen’in Deli Dumrul ve Haldun Taner’in Keşanlı Ali Destanı Adlı Oyunlarında Destan Motifleri. Ortaç Türk Keçmişinden Ortaç Türk Gələcəyinə. «Türk Epik Ənənəsində Dəstan»VI Uluslararası Folklor Konferansı, Bakü, 2010.-S..371-375.

бўлса-да, йирик драматург драмаларининг поэтикаси алоҳида монографик планда ўрганилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуи Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Шарқ мамлакатлари адабиётида замонавий драматургия», «Адабиётшуносликнинг назарий асослари» мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналишлари доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади Ҳалдун Танер драмаларининг поэтикаси, хусусан, драмаларида ғоявий-эстетик мазмун ва характерлараро конфликтнинг ҳаётийлиги, рамзийликнинг кўп оҳангли ифодаси, бадиий тил ва услуб масалаларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Асосий мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқот иши олдида қуйидаги илмий вазифалар қўйилди:

замонавий турк драматургиясининг шаклланиш омиллари ва тадрижий босқичларини ўрганиш;

Ҳалдун Танер ижодида драматик жанрнинг поэтик тараққиётини тадқиқ этиш;

Ҳалдун Танер драмаларида ғоявий-эстетик мазмун ва характерлараро конфликтнинг ҳаётийлигини тадқиқот объекти ҳисобланган асарлар мисолида таҳлил этиш;

драматург драмаларидаги рамзларнинг кўпоҳангли ифодаси ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Танер драмаларининг тили ва услубига хос хусусиятлар, бадиий тилдан фойдаланишда драматург маҳоратини тадқиқ этиш;

драматургнинг типик образлар яратиш ва образларнинг руҳий дунёсини драма жанрида ифода этиш борасидаги маҳоратини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти Ҳалдун Танернинг «Günün Adamı» («Бугуннинг одами», 1957), «Dışardakiler» («Ташқаридагилар», 1957), «Ve Değirmen Dönerdi» («Тегирмон ҳамон айланар эди», 1958), «Fazilet Eczanesi» («Фазилат дорихонаси», 1960), «Lütfen Dokunmayın» («Илтимос, тегманг», 1961), «Huzur Çıkmazı» («Ҳузур берк кўчаси», 1962), «Keşanlı Ali Destanı» («Кешанлик Али достони», 1964), «Gözlerimi Kararım Vazifemi Yaparım» («Кўзларимни юмиб, вазифамни адо этаман», 1964), «Eşeğin Gölgesi» («Эшакнинг сояси», 1965), «Vatan Kurtaran Şaban» («Ватанни қутқарган Шабан», 1967) драмалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети: замонавий турк драматургиясининг тараққиёти, хусусан, Ҳалдун Танер драмаларининг поэтик хусусиятларини тадқиқ этиш ишнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, биографик, қиёсий-типологик, лингвопоэтик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Ҳалдун Танер драмаларида ғоявий-эстетик мазмуннинг ҳаётийлиги воқеа-ҳодисалар жараёнида кечаётган жой, вақт, сахнадаги ҳолат ва қаҳрамонлар руҳиятининг ҳаракати асосан кабаре театри намуналари мисолида исботланган;

Ҳалдун Танер характерлараро конфликтлар воситасида ўз даврининг бирига қарама-қарши одамлар ҳаётини драмаларининг сюжетида акс эттирганлиги, шунингдек, ўша давр нуқтаи назаридан шиддат билан кечаётган ички курашлар ва зиддиятлар асарлари учун асос бўлганлиги очиб берилган;

драматург драмаларида рамзийликнинг кўпоҳангли ифодаси ҳаётнинг фалсафий моҳиятини, мушоҳадаталаб маъноларини бадиий кашф этишда, қаҳрамоннинг мураккаб ва бетакрор руҳий дунёсини ёритишда, шу билан бирга воқеликнинг баъзида драматик, баъзида комик жиҳатларини танқидий руҳда талқин қилишда муҳим восита бўлганлиги далилланган;

Ҳалдун Танер асарларида соддаликни сақлаб, қаҳрамонларни ўз даврининг тилига яқин, тушунарли сўзлатиш орқали, драмада сўз қўллаш меъёрига амал қилганлиги, ваҳоланки, Европа маданиятининг тарғиботчиси сифатида ҳам француз, немис, инглиз тилидаги сўзлардан кенг кўламда фойдаланганлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Замоनावий турк драматургиясининг йирик вакили Ҳалдун Танер драмалари поэтикасига бағишланган мазкур диссертациянинг илмий хулосалари замоनावий турк драматургиясининг шаклланиши ва драматургнинг ижодий фаолияти, драматик асарлари тўғрисидаги билимларимизни бойитган. Диссертацияга илова сифатида тавсия қилинган «Кешанлик Али достони» драмасининг ўзбекча таржимаси¹² ўзбек китобхонларини Ҳалдун Танер драмаси билан яқиндан таништиради, ҳамда ҳозирги ўзбек драматурглар авлодига турк драматургиясининг ижодий тажрибаларини ўзлаштиришда ва ривожлантиришда имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замоनावий турк драматургиясининг янги манбалари, жаҳон адабиётшунослиги назарий қарашларининг тадқиқотга жалб этилганлиги, ишнинг қиёсий-тарихий, биографик, қиёсий-типологик, лингвопоэтик таҳлил методларига асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий хулосалар ва назарий умумлашмалар адабиёт йўналишида тадқиқот ишларини олиб боришда, замоनावий турк драматургиясини ўрганишда, турк драматурглари ижодини тадқиқ этишда муҳим аҳамиятга эгаллиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замоनावий турк драматургияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда, олий таълим муассасалари талабалари учун дарслик, ўқув қўлланма ва мажмуалар ёзишда, «Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти (турк)», «Мутахассисликнинг назарий масалалари», «Шарқ халқлари адабиёти поэтикаси», «Жаҳон адабиёти» ва «Замоनावий турк драматургияси» фанлари бўйича маърузалар ўқишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

¹² Танер Ҳ. Кешанлик Али достони. М.Каюмова таржимаси. -Тошкент: ТДШУ, 2021.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳалдун Танер драмаларининг поэтикаси масалалари бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

замонавий турк драматургиясининг шаклланиш омиллари, Ҳалдун Танер драматургияси, унинг “Кешанлик Али достони” драмасининг ўзбек тилига таржимаси орқали асарнинг услуби ва тилига оид хулосаларидан “Турк тили” (2-қисм) дарслигининг “Турк драматургияси” ҳамда “Ҳалдун Танер драматургияси” бобларини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги 538-сон буйруғи). Натижада, тадқиқот материаллари замонавий турк адабиётшунослигининг долзарб муаммолари ва таҳлил методларини батафсилроқ ўрганишга замин яратган;

замонавий турк драматургиясининг илк даври бўлган Танзимотдан Жумхурият давригача бўлган ривожланиш ва шаклланишига оид хулосалардан “Турк адабиёти” (3-қисм) дарслигининг 2-бобини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги 538-сон буйруғи). Илмий натижанинг амалиётга тадбиқ этилиши асосида замонавий турк драматургиясининг тадрижий ривожи жараёнлари аниқланган;

Турк драматургияси тараққиётининг сўнгги даври жараёнлари ва йирик драматург Ҳалдун Танернинг ижоди, драматик асарларининг ўзига хос хусусиятлари, унинг услуби ва бадиий маҳоратини тадқиқ қилишга бағишланган таҳлилий фикрлари ва назарий хулосаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУК муҳарририяти томонидан тайёрланган “Assalom, O‘zbekiston!” ҳамда “Ижод завқи” номли кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканали ДУКнинг 2021 йил 23 декабрдаги 01-13-17-41-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши адабиётшунослар ва ўзбек китобхонларига маълумот беришда, томошабинларни турк адабиёти намуналаридан баҳраманд этишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, улардан 4 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, унинг республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён этилган. Олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, апробацияси ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Замонавий турк драматургиясининг шаклланиши ва Халдун Танер ижодида драма жанри**» деб номланиб, боб ўз навбатида иккита фаслга ажратилган. Бобнинг «*Замонавий турк драматургиясининг шаклланиши масалалари*» номли илк фаслида замонавий турк драматургиясининг тарихий шаклланиши, омиллари ва тадрижий босқичлари тадқиқ этилди.

Турк адабиётида драма жанрининг пайдо бўлиши XIX аср замонавий драмалари билан чегараланмайди. Турк адабиётида замонавий драманинг юзага келиши тасодиф бўлмай, ўзининг тарихий, маданий ва типологик омилларига эга. Зеро, замонавий турк драматургиясининг майдонга келиши биринчидан, *халқ оғзаки ижоди анъаналари*, иккинчидан, *Европа ва жаҳон драматургияси тажрибалари* билан боғлиқ.

Хусусан, турк халқ оғзаки ижодида томоша санъати «Анъанавий турк театри» деб номланади. Анъанавий турк театри иккига бўлиб ўрганилади:

1. Турк қишлоқ анъанавий театри.
2. Турк халқ драмаси.

Онадўлида кенг тарқалган қишлоқ анъанавий театри таркибига кўса ўйинлари, кундалик ҳаёт сахналари, хунармандлар пародияси, экинлар билан боғлиқ ўйинлар, чўпон ўйинлари, хайвонларга тақлидлар, айтишув ва эртаклардан ўйинлар, ҳазиллар ва сўзсиз ўйинлар, кўғирчоқ ўйинлари сингари томоша турлари киради.

Шунингдек, турк халқ драмасининг ижрочилари маддох, кўғирчоқбоз, масхарабоз ёки қизиқчи деб юритилади. Улар ҳаётда учрайдиган воқеаларни кулгили тарзда томошабин эътиборига ҳавола этадилар. Турк халқ драмасига куйидагилар киради:

1. Ҳоққабозлик.
2. Чангичилик – Кўчакчилик – Журжунабозлик.
3. Маддохлик.
4. Кўғирчоқбозлик.
5. Соя ўйини – Қорақўз.
6. Ўрта ўйини.

Анъанавий турк театри XX асрнинг бошларига қадар жамиятнинг турли қатламларининг таълим ва маданий ҳордиққа бўлган эҳтиёжини қондирган. Жамиятдаги сиёсий, ижтимоий ва маданий ўзгаришлар туфайли анъанавий турк драматургияси ўрнини ғарбга хос замонавий турк драматургияси эгаллади. Ғарб таъсиридаги турк драматургияси уч даврга бўлиб ўрганилади:

1. Танзимот ва Истибдод даври драматургияси (1839-1908 йиллар).

2. Машрутият (Конституцион монархия) даври драматургияси (1908-1923 йиллар).

3. Жумхурият даври драматургияси (1923 йилдан ҳозирги кунгача)¹³.

Танзимот даври драматурглари ижодининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўша давр Европа маданияти таъсирида сахна асарларига сиёсий ва ахлоқий томондан катта эътибор қаратишган. Саҳналаштирилган драматик асарларнинг бу даврдаги асосий таъсири, сахнада намойиш этилаётган асарлар орқали инсонлар онгида хуррият ҳиссини шакллантиришда энг кучли восита вазифасини бажаришида эди.

Турк замонавий драматургиясининг шаклланишига жиддий таъсир кўрсатган иккинчи омил – жаҳон драматургияси, айниқса, рус, француз ва немис драматургияси ҳисобланади. «1859 йилда нашр этилган илк таржималар (ғарб шеърляти намуналари, фалсафий диалог ва роман) бир йилдан сўнг Иброҳим Шиносийнинг ғарб анъаналарига мувофиқ илк турк драмасининг яратилишига туртки бўлди. Хусусан, Танзимот даврида асос солинган «Babiali Tercüme Odası», «Encümen-i Daniş», «Cemiyet-i İlmîye-i Osmaniye» ташкилотлари ғарб адабиётининг турк тилига таржима қилинишида катта аҳамиятга эга»¹⁴, – деб баҳолайди Солиҳа Пакер. Мольер асарларининг турк тилига таржимаси билан шуҳрат қозонган Аҳмад Вефиқ Пошо ҳам «Encümen-i Daniş» ташкилотининг аъзоси бўлганлиги маълум.

Шунингдек, Танзимот даврида турк театрида хорижий пьесалар билан бир қаторда маҳаллий муаллифларнинг пьесалари саҳналаштирила бошлади. Илк драматик асарлар тахминан 1800 йилларда ёзилган Искерлечнинг уч пардали «Вақои ажиби ва ҳаводиси ғарибайи кашфгар Аҳмад» («Vak' ayi-i Acibe ve Navadis-i Garibe-i Keşifger Ahmet / Pabuççu Ahmet'in Garip Vak'aları ve Sergüzeştleri») асари ва 1844 йилда Хайруллоҳ Афанди томонидан ёзилган тўрт пардали «Ҳикояйи Иброҳим Пошо ва Иброҳим Гулшаний» («Hikaye-i İbrahim Paşa ve İbrahim Gülşeni») асаридир. Ҳар иккала асарнинг кеч топилганлиги сабабли Иброҳим Шиносийнинг «Шоирнинг уйланиши» асари турк адабиётидаги илк драматик асар ҳисобланади. И.Шиносийдан кейин Али Ҳайдар томонидан «Саргузашти Парвиз» («Sergüzeşt-i Perviz») ва «Иккинчи Эрсас» («İkinci Ersas») номли шеърӣ пьесалар яратилади.

1940 йилгача сахна асарлари мослашиш ва таржима сифатида мавжуд бўлиб қолади. Хусусан, бу даврда энг кўп Метерлинк, Мольер, Голдони, Синген, Софокол ва Шекспирнинг сахна асарлари таржима қилинган. 70-йилларда Европа ва Америка драматурглариининг таниқли асарлари, жумладан, Ж.П.Сартр, Макс Фриш, Фридрих Дюрренматт, Артур Миллер, Тесси Уилямс, Бертольд Брехт, Эдвард Алби, Гаролд Пинтер, Евгений Ионеско каби замонавий ёзувчиларнинг асарлари турк тилига таржима қилиниб, намойиш этилди. Шунингдек, XX аср ўрталарида ёзилган турк драмасига немис драмасининг таъсирини ҳам инкор этиб бўлмайди. Хусусан, 1960-1980 йилларда турк театрига кириб келган Бертольд Брехтнинг (1898-1956) «эпик театр» тушунчаси турк драматургиясида кескин бурилиш ясади.

¹³ Бу ҳақда қаранг: Metin A. Türk Tiyatro Tarihi. Cep Üniversitesi. «İletişim» Yayınları, 1999.

¹⁴ Paker S. Yazımsal Çeviri: Yazın İncelemeleri ve Polіsistem Kuramı. Adam Sanat, Sayı: 14. 1987. – S.58-59.

1960 йилдаги давлат тўнтаришидан сўнг мамлакатда жадаллашган ижтимоий-сиёсий ҳаёт театрга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Драмаларнинг мавзуси ўзгара бошлади, эндиликда маиший мавзулар билан бир қаторда мавжуд сиёсий тузумга қарши чиқиш, ижтимоий ҳаётдаги камчиликлар устидан аччиқ кулиш турк драматургиясининг асосий мавзусига айланди.

Бу йилларда турк театрида Азиз Несиннинг «Торос ёвузи» («Toros Canavagı»), «Барбарос набираси» («Barbaros Torunu»), Восиф Ўнгўреннинг «Осиё қандай кутқарилади?» («Asiye Nasıl Kurtulur?»), Нежати Жумалининг «Хавфли қаптар» («Tehlikeli Güvercin»), Ўрхон Асенанинг «Фадик исмли қиз» («Fadik Kız»), Ўрхон Камолнинг «72-камера», («72.Koğuş»), «Қоравул Муртазо» («Bekçi Murtaza»), Сермет Чаганнинг «Оёқ фабрикаси» («Ayak Bacak Fabrikası»), Ҳалдун Танернинг «Кўзларимни юмаман, вазифамни қиламан» («Gözlerimi Kararım, Vazifemi Yaparım»), «Кешанлик Али достони» («Keşanlı Ali Destanı»), Турон Офлазўғлининг «Телба Иброҳим» («Deli İbrahim») номли пьесалари шуҳрат қозонди.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли «Ҳалдун Танер ижодида драматик жанрнинг ўрни» деб номланган. Ушбу фаслда замонавий турк драматургиясининг ривожига катта ҳисса қўшган ва уни сермазмун драматик асарлари билан бойитган драматург Ҳалдун Танер драмаларининг поэтик тараққиёти хусусида фикр юритилади. Хусусан, унинг адабиёт оламига кириб келишида бобоси, онаси ва холасининг таъсири бўлган. Кейинчалик Галатасарой лицейидаги давр ёзувчи дунёқарашининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган. Лицейнинг француз адабиёти ўқитувчиси Мисье Дард унда биринчи бўлиб ёзувчилик учқунини ёққан. У О. де Бальзак, П.Мериме ва Г.Флобер сингари француз ёзувчиларининг асарлари билан яқиндан таништирган. Ҳ.Танер 1955-1957 йилларда Вена университетида фалсафа ва театр соҳаларида таълим олади. Бу йилларда ёзувчи Яшилчамдаги кино компаниялари учун сценарийлар ёзди. Вена шаҳрида ўтказган икки йиллик даври давомида у 700дан ортиқ спектаклларни томоша қилиш ва танишиш имконига эга бўлди, ўша пайтларда мумтоз театр билан бир қаторда эпик театрга қизиқиши ортди. Мунир Ўзкул билан биргаликда 1969 йилда «Бизнинг театр»га асос солади. 1977 йилда иқтисодий сабабларга кўра, «Туяқуш Кабаре»даги фаолиятини тугатиб, «Теф Кабаре» театрига асос солади. Ёзувчи нафақага чикқунга қадар Анқара университетида, ҳар ойнинг сўнгги ҳафтасида Анқарадаги драматургия институтида театршуносликдан дарс беради. Ҳалдун Танер 1981-1982 йилларда Берлинга иш юзасидан таклиф қилинган вақти давомида турк ишчиларининг аҳволини ўрганиш билан бирга, университетда театрдан сабоқ беради ва Берлин радиосида сухандонлик қилади.

1949 йилда ёзувчи «Yaşasın Demokrası» («Яшасин демократия») номли ҳикоялар тўплами ҳамда «Günün Adamı» («Бугуннинг одами») драмасини нашр эттиради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳалдун Танер Туркияда кабаре театрини ташкил этиб, ушбу жанрнинг дастлабки намуналарини тақдим этди. Ёзувчининг Брехт издоши эканлиги ҳақида Заҳро Ипширўғли шундай фикр билдиради: «Ҳалдун Танер ижодининг энг кўзга кўринган хусусияти Ғарб маданиятига асосланган танқидий фикрлаш, муаммоларга бир томонлама ёндашишдан қочиш, ўз-ўзини доимий намоиш қилишни талаб қилишга йўналтириш эди. Бу нуқтаи назардан Танерга таъсир кўрсатган муаллиф

Бертольд Брехт эди»¹⁵. Ҳалдун Танер асарлари рус, англиз, немис, чех, қозок, озарбайжон, грузин ва ўзбек тилларига таржима қилинган. 1958 йилда Ўрхон Камол билан ҳаммуаллифликда ёзилган «Dağları Delen Ferhat» («Тоғларни ўйган Фарход») номли сценарийси учун матбуотнинг «Энг яхши сценарий муаллифи» мукофотига сазовор бўлди. 1972 йилда «Sersem Kocanın Kurnaz Karısı» («Бефаросат эрнинг айёр хотини») номли пьесаси билан «Турк тили жамяти» (TDK) театр мукофотини олди. 1972 йилда Анқара санъат ихлосмандлари уюшмаси томонидан йилнинг энг муваффақиятли драматурги, деб тан олинади. Биз тадқиқотимизда драматург ижодини кузатишимиз натижасида унинг драмаларини икки даврга бўлиб ўргандик: биринчи давр, 1949-1964 йилларни, иккинчи давр 1964-1985 йилларни ўз ичига олади. Биринчи давр ижодкор учун ўрганиш, тажриба даври ҳисобланиб, бу даврда қуйидаги асарлари яратилган: «Günün Adamı» («Бугуннинг одами», 1949), «Dışarıdakiler» («Ташқаридагилар», 1957), «Ve Değirmen Dönerdi» («Тегирмон ҳамон айланар эди», 1958), «Fazilet Eczanesi» («Фазилат дорихонаси», 1960), «Lütfen Dokunmayın» («Илтимос, тегманг», 1961), «Huzur Çıkmazı» («Ҳузур берк кўчаси», 1962).

Иккинчи давр эса, ижодкорнинг етуклик даври бўлиб, бу даврда қуйидаги драматик асарлари ёзилган: «Keşanlı Ali Destanı» («Кешанлик Али достони», 1964), «Gözlerimi Kararım Vazifemi Yaparım» («Кўзларимни юмиб, вазифамни адо этаман», 1964), «Zilli Zarife» («Шаддод Зарифа», 1966), «Sersem Kocanın Kurnaz Karısı» («Бефаросат эрнинг айёр хотини», 1971), «Eşeğin Gölgesi» («Эшакнинг сояси», 1965), «Ayışığında Şamata» («Ой нуридаги шовқин», 1977) пьесалари ҳамда «Vatan Kurtaran Şaban» («Ватанни қутқарган Шабан», 1965), «Bu Şehr-i İstanbul Ki» («Бу – шаҳри Истанбул», 1968), «Astronot Niyazi» («Астронавт Ниёзий», 1970), «Na Bu Diyar» («Эй, диёрим», 1971), «Dün... Bugün» («Кеча ва бугун», 1972), «Aşk-ü Sevda» («Ишқ савдоси», 1973), «Dev Aynası» («Дев кўзгуси», 1973), «Yâr Vana Bir Eğlence» («Ёр мен учун бир кўнгилхушлик», 1974), «Haneler» («Хонадонлар», 1974), «Çıktık Açık Alınla» («Очиқ пешоналар билан чиқдик», 1977), «Yalan Dünya» («Ёлғон дунё»), «Kapılar» («Эшиклар»), «Marko Paşa» («Марко Пошо») (1985) кабаре учун мўлжалланган пьесалари.

Ҳалдун Танер жами 12та драма ва 12та кабаре пьесасини ёзган бўлиб, уларнинг барчаси саҳналаштирилган.

Ижодининг биринчи даврини драматик пьесалар ёзишдан бошлаган Ҳалдун Танер иккинчи даврида «Keşanlı Ali Destanı» («Кешанлик Али достони», 1964)дан бошлаб «эпик театр» йўналишида ижод қилишни бошлайди. Бу эса, ўз навбатида сиёсий танқид билан боғлиқ бўлгани туфайли, цензура томонидан чегараланишига сабаб бўлгач, Танер 1967 йилдан ўз пьесаларини очик тарздаги кабаре театри учун мўлжаллаб ёзадиган бўлди. Адиб янги услубда халқининг реал ҳаётини ёрқин тасвирлагани боис турк драматургиясининг машҳур ёзувчиларидан бирига айланди. Турк драмасига янги кабаре театри услубини олиб кирди ва турк драматургияси тарихида ёрқин из қолдирди.

Тадқиқотнинг «**Ҳалдун Танер драмаларида ғоявий-эстетик мазмун, конфликт ва рамзийликнинг кўпоҳангли ифодаси**» номли иккинчи бобнинг дастлабки фаслида «*Драмада ғоявий-эстетик мазмун ва бадиий конфликтнинг*

¹⁵ İpşiroğlu Z. Haldun Taner ve Eleştirel Düşünce. Milliyet Sanat, 149. Ağustos. 1986a. -S.54.

уйғунлиги» ўрганилган. Драмада ғоявий-эстетик мазмуннинг ҳаётийлиги воқеа-ҳодисалар жараёнида кечаётган жой, вақт, сахнадаги ҳолат, қаҳрамонлар руҳиятининг ҳаракатида яққол акс этади. Драма жанрида бирор бир ҳаётий воқеа-ҳодисалар тўлиқ тасвирланмайди, унда инсон ҳаётининг энг муҳим қирралари намоён бўлади, яъни драматург ғоявий-эстетик ниятига қараб асарда бутун бир воқеаларни шундай ифодалайдики, томошабин йирик ҳажмдаги воқеалар моҳиятини кичик тасвирлардан ҳам тушуниб этади.

Замонавий турк драматургиясининг йирик ижодкорларидан бири Ҳалдун Танер драмаларида ҳам ғоявий-эстетик мазмуннинг ҳаётийлиги яққол кўзга ташланади, тасвирланаётган воқеа-ҳодисалар моҳияти китобхонни ўзига жалб этади, кечаётган жараёнга қизиқтиради, фикр-мулоҳазалар туғдиради ва кучли ҳаяжонга солади. Ҳалдун Танер ижодига назар солсак, у XX асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-маданий ўзгаришлар даврини бошидан ўтказди. Иккинчи жаҳон уруши, унинг оқибатлари, Туркиядаги иқтисодий танглик, ижтимоий оғир вазият, халқнинг маорифсизлиги ва маданий жиҳатдан қолоқлиги, миллат тақдирининг хавф остида қолиши Танер драмаларининг асл ғоясини белгилайди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ислоҳотчилик, маърифатпарварлик ғоялари ижодкор учун ҳар доим ғоявий асос бўлиб хизмат қилган. Ҳалдун Танер ўз даврининг долзарб ва муҳим ғояларини адабий жараёнга олиб чиқди. Давр кишиларини турли ҳаётий вазиятлар асосида кўрсатиб, улардаги бор иллат-у фазилатларни тўла ва томошабинга таъсир қиладиган тарзда очиб бериш драматургдан катта маҳорат талаб этади. Шунинг учун ҳам Ҳалдун Танер драматургия йўналишида маҳоратини ошириш мақсадида кўплаб ғоявий-эстетик мазмундаги драмаларга қўл урди.

Жумладан, у «Ташқаридагилар» («Dışardakiler») номли драмасини 1949 йилда нашр этилган «Соҳиб-и Сейф-у Калем» ҳикояси асосида 1952 йилда ёза бошлаган.¹⁶ Асар ғояси реал воқеликни тақдим этади, яъни болалари томонидан парваришга муҳтож, қариялар уйига жойлаштирилган ота-оналар, молиявий фойда олиш учун турмушга чиқаётган ёш қизлар, сиёсий-ижтимоий босимдан кўрқадиган одамлар ўртасидаги низолар орқали берилади. Жумладан, Ҳалдун Танер драматик асарларида куйидаги масалалар ва фикрларни илгари сурган:

- Шахснинг жамиятдаги яшаш ва кураш тарзи;
- Жамиятдаги яхшилик ва ёмонликларни сатира усулидан фойдаланиб акс эттириш;
- Эски ва янги дунё яшаш тарзида аросатда қолган кишиларни танқид қилиш;
- «Кўрмаганнинг кўргани курсин» зайлида кун кўрувчи инсонларни танқид қилиш;
- Жамиятдаги юқори ва паст табақага оид инсонларнинг иккиюзламачилиги-ю товламачиликларини очиб бериш.

Юқоридаги фикрлар ва қарашлар асосида кўриб турганимиздек, яшаш ва кураш, яхшилик ва ёмонлик, эски ва янги дунё, кўрмаган-кўрган, юқори ва паст табақага оид инсонлар галерияси ўз-ўзидан бадий конфликтни юзага келтирди.

¹⁶ Yüksel A. Haldun Taner Tiyatrosu. Bilgi Yayınevi, İstanbul. 1986. -S.31-32.

Драматург асарларида ғоявий-эстетик мазмуннинг ҳаётийлигини таъминлаш мақсадида конфликтли вазият ва характерлардан унумли фойдалана олди. Маълумки, «Конфликт, аввало, эстетиканинг гўзаллик проблемаси билан мустаҳкам боғлиқ. Ҳаётда гўзал нарса ва ҳодисалар орасида доимий зиддиятлар бор. Хунук воқеаларнинг фош қилиниши, қораланиши гўзал воқеаларни улуглаш воситаларидан биридир. Ижтимоий воқеаларнинг гўзал сифатлари конфликт туфайли тўлароқ намоён бўлади».¹⁷

Дарҳақиқат, ҳаётдаги ҳар бир яхши ва ёмон тушунчалар зиддиятлар фонида янада яққол акс этади, шундай қараш асосида мукаммал ҳаёт ҳақиқати намоён бўлади. Инсон характеридаги қарама-қаршиликлар эса унинг асл қиёфасини акс эттиради, ўзбек драматурги А.Авлоний «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида таъкидлаганидек, бир томондан диёнат, бир томондан хиёнат сингари яхши ва ёмон хулқлар инсон ҳаёти ва тақдирида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, драматик конфликтнинг специфик хусусияти, ҳаётдаги конфликтдан фарқи шундаки, унда ҳаётдаги курашни бир кунлик ҳодиса сифатида ифодалаганда ҳам, узоқ йиллар давомидаги турмуш конфликтни тарзида акс эттирганда ҳам, ўз моҳиятини ва хусусиятини сақлаб қолади.¹⁸

Жумладан, драматургнинг «Бугуннинг одами» («Günün Adamı») номли драмасида профессорнинг турли характерлар, хусусан, ассистенти, ўғли, қайнотаси, қайниси ва котибаси ўртасидаги майда конфликтлари акс эттирилган бўлиб, буларнинг барчаси асосий конфликт — ички конфликтга замин сифатида хизмат қилади. Драматург «Бугуннинг одами» («Günün Adamı») асари бош қаҳрамони профессорнинг аянчли тақдири орқали асар қаҳрамонлари билан улар яшаётган ҳаётий шароит орасидаги конфликтни юксак маҳорат билан акс эттиради.

«Кешанлик Али достони» («Keşanlı Ali Destanı») драмасида кабаре театри услубини синаб кўрган Ҳалдун Танер, қоқоқ бир худудда юз берган бузилишларнинг барча қирраларини турли конфликтлар орқали очиб беради. Асар қаҳрамони Алида шаклланган қарама-қаши тушунчалар унинг ўз сўзлари билан берилган: «Ҳаётда ё эзилиб, оёқ остига тушасиз ёки тепага чиқиб, бировни эзасиз. Иккала вазиятнинг ўртаси йўқ»¹⁹. Қаҳрамон нутқида ҳам «эзилган» — «эзган» иккита бир-бирига зид характерлар ҳаётий мисоллар асосида очиб беришга ҳаракат қилинган. Асар қаҳрамони таъкидлаганидек, драмада характерлар икки табақага ажратилган ҳолда тасвирланади. Бир табақа вакиллари эзилган, алданган, хўрланган, ҳақоратланган ва иймон-эътиқоди поймол этилган жабрдийда кишлоқ одамлари бўлса, иккинчи табақа халқни эзиб келган, алдаган, хўрлаган, ҳақоратлаган, ишончини суистеъмол қилган амалдорлардан иборат эди. Танернинг барча драмаларида кузатилганидек, ушбу драмасида ҳам асосий конфликт — мавжуд тузум билан мамлакат фуқаролари ўртасидаги зиддият, муаллифнинг ҳаётий шароитдан норозиликдир. Бу конфликт оддий халқнинг оғир турмуш тарзи, унинг бир тўда зўравонлар томонидан эзилиб келишига давлат ҳокимиятининг бепарво муносабати, ноҳақ

¹⁷ Адабиёт назарияси. II томлик. I том. Т., Фан, 1978. -Б.208-209.

¹⁸ Имомов Б. Ўзбек драматургиясида маҳорат масалалари (Характер ва конфликт). Филол. фан. док. дисс.—Тошкент: 1968. - Б.323.

¹⁹ Taner H. Keşanlı Ali Destanı.-İstanbul: İzlem Yayınları, 1964. -S.29.

талон-тарож қилинаётган одамларнинг ўз ҳалоскорини излаши воқеалари орқали акс эттирилади. Халқнинг ўзаро кескин бир-биридан фарқ қиладиган икки табақага ажратиб кўрсатилиши, бойлар (Ўноранлар сулоласи) ва камбағаллар (Али ва унинг тарафдорлари) синфи ўртасидаги шиддатли кураш муҳит ва характерлараро конфликт орқали намоён бўлади.

«Эшакнинг сояси» («Eşeğin Gölgesi») драмасининг сюжети бошдан охиригача конфликт асосига қурилган. Драмада Обид ва Зоҳид исмли бой савдогарларнинг қўлида ишлайдиган Шабан ва Мастон исмли шогирдларининг ўзаро тортишуви суд, давлат парламенти, сиёсий партиялар микёсига кўтарилиб, бутун Абдаля номли хаёлий мамлакат фуқаролари икки ўзаро душман тарафга ажралиб кетишига олиб келади. Драмада Мастоннинг Шабанга миниш учун эшакни ижарага бериши, уларнинг бирга йўлга чиқиши, йўлда ҳавонинг иссиқлиги туфайли иккисининг эшак соясини таллашиб қолиши ва натижада Мастон, Шабанга эшакнинг соясини эмас, балки унинг ўзини ижарага берганини айтиб, эшакнинг сояси учун бир танга сўрагани учун юзага келган тортишув воқеаси конфликтнинг туғуни бўлиб хизмат қилади. Шабан бир танга тўлашдан бош тортади. Ушбу баҳс-мунозара натижасида бошланган тўқнашув суд залигача етиб боради.

Ҳалдун Танер драмаларида характерлараро конфликтлар воситасида ўз даврининг бир-бирига қарама-қарши одамлар ҳаётини акс эттиришга эришди. Шунинг учун ҳам драматург драмаларининг сюжети ҳаётий конфликтлар асосига қурилади, ҳаётда шиддат билан кечаётган характерлараро курашларни, зиддиятларни асосий мақсад қилиб олади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «*Ҳалдун Танер драмаларида рамзийликнинг кўпоҳангли ифодаси ва бадий талқини*» деб номланган.

Ҳалдун Танер драмаларида рамзийликнинг кўпоҳангли ифодаси қаҳрамоннинг мураккаб ва бетакрор руҳий дунёсини ёритишда муҳим аҳамият касб этади, шу билан бирга воқеликнинг баъзида драматик, баъзида комик жиҳатларини танқидий руҳда талқин этади. Ҳаётнинг фалсафий моҳиятини, мушоҳадаталаб маъноларини рамзларга йўғрилган ифодалар орқали бадий кашф этади.

Жумладан, Ҳалдун Танер драмаларидаги жой номлари – «Кешанлик Али достони» («Keşanlı Ali Destanı») асаридаги Синеклидағ, «Эшакнинг сояси» («Eşeğin Gölgesi»)даги Абдаля, аслида жаҳолатда қолган Туркия. Муаллиф бу ерлик халқ бошига тушган кўргуликлар, зулм-зўравонлик, таҳқирлаш, ҳақ-ҳуқуқларининг поймол қилиниши, бюрократия ва порахўрликнинг авж олганлиги кўзгуси орқали томошабин кўз ўнгида ўз юрти, ўз халқи ва ҳатто, шу томошабиннинг ўз қисмати фожейлигини гавдалантиради. Демак, ҳар иккала асар ҳам бутун бошлича рамзийликка асосланган.

«Кешанлик Али достони» асаридаги аксарият образларнинг исмлари ҳам рамзий маънода қўлланилиб, у қаҳрамоннинг феъл-атвориға ишора қилади. Бешвақт Ниёзий - беш вақт намоз ўқишни канда қилмайдиган одам, Алининг дўстларидан бири. Ихё Ўноран (онаган – турк тилида «тузатадиган») – катта курувчилик ширкатининг мудири, ишбилармон, зодагон, қўлидан ҳамма иш келади, хусусан, одам ўлдиртириш ҳам. Драмадаги Рустам Шоқол – номард, зўравон, ҳийлакор одам. Алининг оқсоқоллар сайловидаги рақиби. Козим Така –

жиноий тўданинг бошлиғи, у ҳам оқсоқоллар сайловига номзодини қўйиб, ноқонуний йўл билан Алининг сайланишига монелик қилади, тузоқ куради ва ўзи қўйган тузоғига ўзи тушади. Бўри Сабри – Козим Таканинг шериги, Хуштак Салим – Козим Таканинг югурдаги. Чамур Ихсан (таржимаси– Балчик Эҳсон) – Зулайҳонинг тоғаси, Ихё Ўноран томонидан ўлдиртирилган мафия бошлиғи. Маньяк Жаъфар – Чамур Ихсаннинг қотили, ёлланма қотил. Бошқа асосий бўлмаган қаҳрамонлар исмида ҳам рамзийликни кўриш мумкин: Довуд Долтабон, Дурдона Долтабон, Козим Калтабон, Комила Калтабон, Дузиша Дузтабон, Шокир Шақлабон, Шоҳинда Шақлабон, Калтабон, Далтабон, Ширакайф Росих ва бошқалар.

«Эшакнинг сояси» («Eşegin Gölgesi») драмасида воқеа жойи муаллиф томонидан Абдаля деб номланган. Турк тилида аҳмоқ сўзининг муқобили- aptal. Шу сўзнинг ўзагидан келиб чиқиб, Абдаляни аҳмоқлар мамлакати, деб аташ мумкин. Бу ном ҳам ўз навбатида рамзий маънони ташийдди. Асар бош қаҳрамонларининг ўзаро тортишувлари анъанавий турк театридаги Қорақўз ва Ҳоживот айтишувлари сингари акс эттирилган. Драматург мақсади ўтмишда халқнинг бошига тушган турли можаролар, ҳалокатлар-у кулфатларни турли бадий воситалар, рамзий образлар орқали ифода этиш билан бирга, у ўтмиш ҳаёти ва шу асосда яратилган афсона-ривоятларни ҳам драмага сингдириб, ўз даврининг манзараларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Халқ бошидан кечган ўтмишни, реал ҳаётни ҳажвий воқеалар ва рамзий образлар билан қоришиқ шаклда қаламга олади:

*«Gittikçe azıttı dava
İş inada bindi
İkiye bölündü Abdalya
İki taraf birbirine girdi
Bir yanda Gölgeçiler
Öte yanda Eşekçiler»²⁰*

*(Борган сари кучайди даъво,
Қайсарликдан ҳеч тўхтамади.
Иккига бўлиниб Абдаля,
Ҳамма тарафма-тараф бўлди.
Бир томонда Соячилар,
Бир томонда Эшакчилар.)*

Бу асар рамзий маънода Туркияни акс эттиргани туфайли, биринчи марта саҳнага чиқарилгандан сўнг, Ҳалдун Танер ва саҳналаштирувчи режиссёр судга чақирилиб, асар сюжети қайта кўриб чиқилишини талаб қилади. Асар 1965 йилда ёзилганлигига қарамай, 1995 йилда, ёзувчи ўлимидан кейингина нашр этилган. Асарнинг «Эшакнинг сояси» сарлавҳаси ҳам рамзий маънога эга. Эшакнинг ўзи нима-ю, сояси нима? Шунча ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар турганда, ҳокимият, парламент, суд ва партиялар арзимайдиган муаммони глобал муаммога айлантириб, ўзаро тортишув баҳонасига айлантирадилар. «Эшакнинг сояси» драмаси эртактларнинг рамзий мазмунидан

²⁰ Taner H. Eşegin Gölgesi.-Ankara: Bilgi Yayınevi, 1995.-S.96.

олинган ҳажвий асар,²¹ – дея таъкидлайди А.Юксел. Бу билан А.Юксел Танернинг мазкур драмасига эрамизнинг 120-160 йилларида яшаган бир сайёҳ ва файласуф Лукянуснинг эртаги рамз сифатида олинганлигига ишора қилади.

Ҳалдун Танер ўз драмаларида «туяқуш» сўзини метонимия сифатида кўп қўллайди. Ҳатто ўзи асос солган илк кабаре театрини ҳам «Туяқуш кабаре» деб номлайди. Драматург «Туяқуш» номи остида ҳар қандай хавф-хатар олдида бошини қумга суқиб, таҳликанинг ўтиб кетишини кутиб турадиган куш мисолида шундай одамларни, ҳеч қандай хатарга ўзини қўйишни истамайдиган, ҳаётда қийинчилик пайдо бўлганда, ўзини четга олиб қочадиган, жонини койитишни истамайдиган, миллати, ватани учун фидокорлик қила олмайдиган, кўпинча, консерватив характерга эга бўлган ва ҳаётда ҳеч қандай ўзгаришни хоҳламайдиган, фақат жонининг ҳузурини ўйлайдиган инсонларни асарларида акс эттиради. Қуйида бу ҳақида ёзувчининг ўзи эътироф этган парчани келтирамиз: «Виждоний ҳам Мамнун («Кўзларимни юмиб, вазирамни адо этаман» драмаси қаҳрамонлари – таъкид бизники М.К.) каби аччиқ ҳақиқатларни кўрмаслик учун бошини қумга суққан, лекин гавдасини барча таҳликаларга очиқ қолдирган бир туяқуш мисолидир...»²²

Шунингдек, Ҳалдун Танер ижодида рамзий ифода намуналарини унинг кабаре учун ёзган драмаларининг энг ёрқин намунаси бўлмиш «Ватанни қутқарган Шабан» («Vatan Kurtaran Şaban») номли асарида ҳам кузатишимиз мумкин. Танернинг ўзи таъкидлаганидек, кабаре театри рамзларга йўғрилган, бўрттирма театр ҳисобланади. Лекин ҳар қандай рамзий маънода ҳам ҳақиқатнинг асл қиёфаси намоён бўлади. Бу драма катта сахна юзини юзлаб марта кўргандан кейин туркларда ўз лавозимига номуносиб раҳбар ходимни «Vatan Kurtaran Şaban», деб номлаш урфга айланган. Буни Туркиянинг машҳур кино ва театр актёри Метин Акпинарнинг 2015 йил 26 ноябрда Истанбулда ташкил этилган Танернинг 100 йиллигига бағишланган симпозиумда сўзлаган нутқида ҳам кузатишимиз мумкин: «У пайтларда на биз, на Танер келажакни кўра олар эдик, на мамлакатимиз бир қадам олға қўзғалар эди. Ўша вақтда биз «Ватанни қутқарган Шабан»ни танидик. ... Яратган бизни эндиликда «Ватанни қутқарган Шабан»лардан асрасин.»²³ Танернинг ўз асарида яратган «Шабан» рамзий образи турк адабиётига янги рамз сифатида кириб келди.

Хусусан, Ҳалдун Танер рамзийликка йўғрилган асарлари орқали ҳақиқат ва ҳур фикр цензура томонидан таъқиб қилинган даврда ҳам катта ҳақиқатларни айта олиш имкониятига эришди, иккинчи томондан эса драмаларнинг бадиий салмоғини янада оширишга муваффақ бўлди. Шу сабабли ҳам унинг драмалари ғоявий-бадиий жиҳатдан мустаҳкамлиги, долзарблиги билан томошабинлар меҳрини қозонди ва бугунгача театр сахналаридан тушмай ўйналиб келинмоқда.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Ҳалдун Танер драмаларида бадиий тил ва услуб масаласининг тадқиқи**» деб номланган бўлиб, унинг илк фасли «*Бадиий тилдан фойдаланишда драматург маҳоратининг етакчи тамойиллари*»га бағишланган.

²¹ Yüksel A. Haldun Taner Tiyatrosu.-Ankara: Bilgi Yay., 1986a.-S.93.

²² Yüksel A. Haldun Taner Tiyatrosu.-Ankara: Bilgi Yay., 1986a. -S.87.

²³ Akpınar M. Haldun Taner 100 Yaşında, 26-27 Kasım 2015. Pera Müzesi, «Milliyet» Sayı: 6.

Замонавий турк драматургиясининг тараққиёт даври энди бошланган бир пайтда, Ҳалдун Танер драматик асарларининг тили масаласига алоҳида диққат қаратган эди. Драматург асарларида ҳар бир сўз ва ибора қаҳрамонлар характери, вазият-ҳолат ривожининг ҳаётийлигини таъминловчи асосий восита эканлигини кўрсатиб берди. Хусусан, драматург қаҳрамон нутқини янада кулгилироқ ва таъсирчанроқ кўрсатиш учун сўздан фойдаланишнинг куйидаги йўлларига мурожаат қилади:

